
“ФАРҒОНА ҚУВАДА СНОС ДАВОМ ЭТМОҚДА РЎЗА КУНИДА” сарлавҳали мақола юзасидан

Жорий йилнинг 12 май куни YouTube ижтимоий тармоғи орқали чоп этилган **“Фарғона Қувада снос давом этмоқда рўза кунда”** сарлавҳаси остида чоп этилган мақола кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан туман ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ вазиятни жойига борган ҳолда ўрганди.

Туманнинг Ғалаба МФЙ Ҳумо кўчасида жойлашган бўш ер майдонида тадбиркор Мўминов Ахрорбек Омонжон ўғлига жорий йилнинг 31 март куни туман ҳокимининг 501-сонли қарори билан давлат шерикчилиги асосида бўш ер майдони ажратиб берилган. Бунга кўра тадбиркор ҳамда уй-жой мулкдорлар ширкати ва маҳалла фуқаролар йиғини ўртасида уч томонлама шартнома имзоланиб, шартномада тадбиркор зиммасига кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли учун 2 та очиқ айвон, 2 та тандир, 4 та ўчоқ ҳамда 1 та маросимлар учун очиқ айвон қуриб бериш вазифаси юклатилган.

Шунингдек тадбиркорга қурилиш учун ажратилган ер майдони ёнғин хавфсизлигига тўлиқ жавоб бериши, архитектура талабларига мос келиши аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан ҳеч қандай қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилмаганлиги аниқланди.

Қува туман ҳокимлиги

Ахборот хизмати

2020-05-14 12:58:32